O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 19 январь, шанба • №5 (11.393) • Эркин нархда сотилади

27 январь умумхалқ референдуми куни

# РЕФЕРЕНДУМ – УМУМХАЛҚ МАСЛАҲАТЛАШУВИ

*уни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳар биримиз масъулмиз*

**Айни кунларда вилоятда референдум ўтказувчи округ комиссиясида унга жиддий тайёргарлик кўриляпти. Жойлардаги участка комиссияларида семинарлар ва суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Бир сўз билан айтганда, комиссия томонидан референдумни юксак даражада ўтказиш юзасидан кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бизнинг Тошкент вилояти референдум ўтказувчи округ комиссияси раиси Умар Муслимов билан суҳбатимиз ҳам айнан шу мавзуда бўлди.**

**– Умар Ваҳобович, аввало вилоятда мамлакатимиз миқёсидаги бу муҳим сиёсий воқеага қай даражада ҳозирлик кўрилаётгани ҳақида гапириб берсангиз.**

– Мен сўзимни бошлашдан олдин шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, вилоятимиз аҳолиси республикамизда ўтказилаётган референдумнинг мазмун моҳиятини жуда теран тушуниб етмоқда. Шунинг учун ҳам жойларда ташкилий ишларни амалга ошириш осон кечмоқда. 27 январь куни вилоятимиз фуқаролари шаҳар ва туманлардаги 825та референдум участкаларида ўзларининг фуқаролик бурчларини адо этадилар.

Шу кунларда вилоят окру-

*(Давоми 2-бетда).*





## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**Янгийўл шаҳрида 17та референдум ўтказиш участкаси тузилган. Уларнинг аъзолари ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик ишларини қизғин олиб бормоқдалар.**

– Биз Ўзбекистон Республикаси референдумини — мустақил мамлакатимиз давлатчилигини такомиллаштиришнинг ғоят муҳим масалалари бўйича умумхалқ маслаҳатлашувини ўтказиш ҳақидаги қарорни қувонч билан қарши олдик, – дейди шаҳардаги 203-референдум ўтказиш участкаси раиси Моҳира Шермуҳамедова. – Комиссиямиз аъзолари Азиза Мўминова, Ирина Кожахина, Маҳмуд Зафаров, Ғайрат Раҳматуллаевлар маҳаллаларда бўлиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Мазкур участка ҳудудида 1886 киши овоз беради. Улар орасида умумхалқ овоз беришида илк дафъа иштирок этаётган 93 йигит-қиз бор. Комиссия улар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

**С. ЖУМАНАЗАРОВ.**

*СУРАТЛАРДА: овоз бериш хонаси референдумга шай; референдум ўтказиш комиссияси аъзолари Эрижеб Аппазов, Мирзамурод Мирзараҳмедов ва Малика Эркиновалар иш устида.*

***Даврон АҲМАД суратлари.***

## Вилоят ҳокимлигида

**Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ижро этиш бўйича ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

**Уни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Рустам Холматов бошқарди.**

# ЕР ЭГАСИ ТАНЛОВДА АНИҚЛАНАДИ

Йиғилишда зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли Юқоричирчиқ туманидаги У. Юсупов номли ҳамда Чиноз туманидаги «Янгиобод» хўжаликларини тўлиқ ҳажмда фермер хўжаликларига айлантириш йўл-йўриқлари муҳокама қилинди. Бу ишда шошма-шошарлик, палапартишликка йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, бу муҳим тадбирни қатъий танлов асосида амалга ошириш, хўжаликларнинг унумдор ерлари соҳага алоқаси йўқ, қўлидан иш келмайдиган шахсларга ўтиб қолмаслиги зарурлигига эътибор қаратилди. Ҳар икки хўжаликда фермер хўжаликларини ташкил этиш билан шуғулланувчи танлов комиссияларининг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

# ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРГА – ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

**Вилоят ҳокимлигида ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишнинг 2001 йил якунлари ва 2002 йилги вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармаларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, халқ таълими, маданият, спорт бўлимлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этишди.**

**Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.**

Маърузачи – вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар бўйича котибиятининг мудири Холтўра Шафоатов таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, маънавий-маърифий тарбия соҳаларидаги аҳволни муфассал таҳлил қилиб берди. Ўтган муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Президентнинг таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ислоҳотларни амалга оширишга доир фармонлари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», шулар асосида ишлаб чиқилиб, ҳозирда амалга оширилаётган вилоят дастурларини рўёбга чиқариш борасида кўп иш қилинди. Чунончи, бу ўқув йилида яна 3та мактаб ишга туширилди. Бугунги кунда 894та умумтаълим мактабида 517 мингдан зиёд ўқувчи билим олмоқда.

Ўтган бир йил ичида вилоят мактабларининг ўқитувчилари сафига 1270 ёш мута-

*(Давоми 3-бетда).*

## Бугунги сонда:

**ТАШАББУСКОР ГУРУҲ ЙИҒИЛИШИ**
Вилоят ташаббускор гуруҳи аъзолари жойларда референдум ўтказувчи участкалардаги ташкилий ишларнинг аҳволини ўрганиб, зарур тавсияларни бериб бормоқда.
2-бет

**ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ**
Қибрай туманида фавқулодда вазиятлар чоғида фуқаро муҳофазасини таъминлаш бўйича амалий машғулотлар бўлиб ўтди.
3-бет

**ҚАТОРТОЛ БУЛБУЛЛАРИ**
... Қатортолнинг Ўратепасига йўлингиз тушиб қолса, сой кўчага бурилишдаги соя-салқин хонадондан янграётган қўшиққа ром бўлиб, бир дам туриб қоласиз:
*Ҳеч туганмас бойликка кон қадим ерларинг...*
6-бет

**ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА:**
Бир сўз билан айтганда, чегарада кескинлик сақланиб туришига икки қўшни давлатнинг бир-бирига ён бермаётгани сабаб бўлаётир.
7-бет

**БАРОРИДАН КЕЛМАГАН ОВ**
Ортиғали бугунги чиройли ови тафсилотларини сўзлар, мен бўлсам, ўқтин-ўқтин қанот қоқиб, олис уфқлар сари учиб кетаётган ёлғиз каптарни ўйлардим.
8-бет

# РЕФЕРЕНДУМ – УМУМХАЛҚ МАСЛАҲАТЛАШУВИ

27 январь умумхалқ референдуми куни

гининг ўн бир кишидан иборат комиссияси «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ иш олиб бормоқда. Хусусан, комиссия йиғилишларида референдум ўтказувчи участкалар ташкил қилиш, участка комиссияларини тузиш, уларнинг таркибини тасдиқлаш ва бошқа қатор масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Референдумга ҳозирлик бўйича Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида ҳудудий семинар-кенгашлар ўтказилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотлари тингланмоқда. Участка комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилиш, округга референдум ўтказилишини моддий-техник жиҳатдан таъминлашнинг бошқа томонлари ҳам кўриб чиқилмоқда. Округ комиссияси қарорларининг қуйи комиссиялар, барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, ҳарбий қисмлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан бажарилишини назорат қилиб турибмиз.

Референдумни ўтказишда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида, референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда кузатувчилар иштирок этиши имконини яратиб бериш учун мазкур кузатувчиларни рўйхатга олиб, уларга белгиланган тартибда мандатлар берилаяпти. Вилоятимизда барча участкалар ўзбек ва рус тилларида чоп этилган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонун, парламент раиси Э.Халиловнинг «Ўзбекистон Республикаси референдуми – миллий давлатчилик тараққиётининг муҳим босқичи» рисоласи, Олий Мажлиснинг «Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳамда референдумолди плакатлари билан таъминланган.

**— Кўриниб турибдики, вилоятда референдумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун комиссия томонидан ҳақиқатан ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Буни фуқаролар билан суҳбатлар давомида ҳам кўриш мумкин. Энди бевосита жойлардаги референдум участкалари, уларнинг тайёргарлиги масаласига тўхталсак...**

– Бу жуда муҳим масала. Чунки, ҳозиргача амалга оширилаётган ишларнинг натижаси 27 январь куни овоз бериш участкаларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам округ комиссияси бу борада қаттиқ ишлади. Юқорида айтганимдек, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларимизга мумкин қадар қулайлик яратиш мақсадида жойлардаги 825та референдум участкаларининг ишини ташкил этишга кўмаклашувчи тавсиялар етказилган. Бугунги кунда мазкур участкаларни жиҳозлаш, овоз бериш хоналари, кабиналари ва қутилари ҳамда бошқа воситаларни тайёрлаб қўйиш, овоз беришни ташкил этиш, овоз бериш тартибига риоя қилиш учун қулай шароит яратиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Участкалар замонавий иш юритиш ва алоқа воситалари билан таъминланган. Айни пайтда референдум ўтказувчи комиссиялар жойларда овоз берувчи фуқаролар рўйхатларини тайёрлаб қўйди.

**– Умар Ваҳобович, суҳбатимиздан кўриниб турибдики, вилоятимизда референдум ўтказишга тайёргарлик ниҳоясига етмоқда.**

— Шуни ишонч билан айта оламанки, Тошкент вилоятида бу катта сиёсий тадбирни ўтказиш учун ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Айни вақтда умумхалқ маслаҳати, умумхалқ иши бўлмиш референдумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни таъкидлашни истардим. Бу муҳим сиёсий тадбир – референдум ўз самарасини беришига мен кафи, вилоятимиздаги 1 миллион 246 минг 355 нафар овоз берувчилар (рўйхатга олинганлар сони шунча) ҳам ишонишларига шак-шубҳа йўқ. Шундай экан, барчамиз масъулиятни ҳис этган ҳолда ўз фуқаролик бурчимизни виждонан бажаришимиз зарур.



(Давоми. Боши 1-бетда).

## БЎКАЛИКЛАР ТАРАДДУДИ

**Бўка туманида Ўзбекистон Республикаси референдуми куни фуқаролар 40та участкада ўз муносабатларини билдирадилар. Айни кунларда мазкур участкаларда иш қизғин. Комиссиялар фуқаролар билан фаол ишламоқда.**

Бу ерда референдум билан боғлиқ барча саволларга аниқ жавоблар олиш мумкин. Бунинг учун хоналарда қонунлар тўпламлари, кўргазмали тарғибот-ташвиқот плакатлари, зарур адабиётлар, участка комиссияси ҳужжатлари мавжуд. Улар телефон алоқаси билан таъминланган.

Ҳамма участкаларда умумхалқ референдумига тайёргарлик ишларини амалга ошириш бўйича вазифалар аниқ белгилаб қўйилган. Туманда ушбу муҳим сиёсий тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш, овоз беришни ташкил этиш учун ҳамма шароитлар яратилган.

*Ўз мухбиримиз.*

## ТАШАББУСКОР ГУРУҲ ЙИҒИЛИШЛАРИ

2002 йил 27 январь куни умумхалқ овоз бериши ўтказилиши муносабати билан мамлакатимизнинг жамоат ва бошқа ташкилотлари вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи ташаббускор гуруҳ тузилган эди.

Бундай ташаббускор гуруҳ Тошкент вилоятида ҳам ишламоқда. У ўз иш режасига мувофиқ вилоят шаҳар, туманларида референдумни уюшқоқлик билан ўтказиш, қўйилган масалаларнинг моҳиятини фуқароларга тушунтириш, қонунийликка риоя этилишини таъминлаш мақсадларида фаолият кўрсатмоқда.

Шу кунга қадар ташаббускор гуруҳ аъзоларининг Чирчиқ, Янгийўл, Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон шаҳарларида, Қибрай, Янгийўл, Чиноз, Юқоричирчиқ, Паркент, Зангиота, Оҳангарон, Пскент туманларида фуқаролар, жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Уларда умумхалқ овозига қўйилаётган масалалар мамлакатимиз ижтимоий ва давлат ҳаёти учун нақадар муҳим эканлиги батафсил тушунтирилди. Фуқароларни ўзларини қизиқтирган саволларга ташаббускор гуруҳ аъзолари томонидан тўлақонли жавоб олдилар.

Шунингдек, вилоятимиздаги ҳар бир шаҳар ва туманда ҳам ташаббускор гуруҳлар тузилди. Улар чекка қишлоқлар, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида референдумга қўйилган масалалар моҳиятини тушунтириш бўйича 950дан зиёд учрашувлар ўтказишди. Вилоят ташаббускор гуруҳи аъзолари жойларда улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, референдум ўтказувчи участкалардаги ташкилий ишларнинг аҳволини ҳам ўрганиб, зарур тавсияларни бериб бормоқда. Хусусан, Янгийўл тумани «Эски қовунчи» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 801-референдум участкаси ва Чиноз тумани «Эски Тошкент» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 683-референдум участкасида референдум оид барча материаллар ҳамда ахборотлар аҳолига тўлиқ етказилиши, қонунийлик таъминланиши бўйича шарт-шароитлар яратилганлиги ўрганилди.

Ташаббускор гуруҳ ўз иш режасига мувофиқ вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида фуқаролар билан учрашувларни давом эттирмоқда.

*Ўз мухбиримиз.*

## ХАЛҚ ИРОДАСИ – УСТУВОР

**Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган машғулот-кенгашда мавжуд 43та участка комиссиясининг референдумни ўтказишга тайёргарлиги масаласи кўриб чиқилди.**

Шаҳар ҳокимлиги биносига тўпланган участка комиссиялари ва маҳалла қўмиталари раислари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари тайёргарлик ишларига якун ясадилар. Референдум халқ хоҳиш-истагининг ифодаси эканлиги, шу боис овоз бериш жараёнида демократик нормаларга қатъий амал қилинишига алоҳида эътибор қаратилиши зарурлиги таъкидланди.

Кенгашдан сўнг участка комиссиялари аъзолари, ҳокимият вакиллари тайёргарлик ишларини текшириш учун участкаларга йўл олдилар. Ҳамма жойда овоз беришда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхати тайёрланган. Референдум ўтказиладиган вақт ва манзили аниқ кўрсатилган таклиф қоғозларини хонадонларга етказиб беришга киришилди. Индустриал шаҳар – Олмалиқ аҳолисининг овоз беришда фаол иштирок этишларига шубҳа йўқ.

## БЕКОБОДЛИКЛАР ФАОЛ

Бекобод шаҳрида умумхалқ референдумига қизғин тайёргарлик бормоқда. Шу кунларда референдумни ўтказиш бўйича тузилган барча участкаларда сайловчиларнинг рўйхатлари кўзга кўринарли жойларда илиб қўйилди.

Шаҳардаги барча меҳнат жамоалари, маҳаллаларда мамлакатимизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги бу муҳим воқеанинг моҳиятини тушунтириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу ишда референдумни ўтказувчи ташаббускор гуруҳ аъзолари, маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқшунослар қатнашмоқдалар.

*Ашурали БОЙМУРОДОВ.*

## БУ МЕНИНГ ФИКРИМ

Халқларимиз бир умр орзу қилиб келган мустақиллик қўлга киритилгач, ўтган ўн йил давомида ҳаётимиз, турмуш тарзимизда туб ижобий ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, биз ўзлигимизни танидик, қадимий урф-одат, яхши анъаналаримиз қайта тикланди. Ҳар биримиз эрк ва озодлик нашидасида, у берган имкониятлардан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Ўзимдан мисол. Мен оддий тракторчи, чорвадор эдим. Мана бир неча йилдирки, хусусийлашган чорвачилик фермасига раҳбарлик қилмоқдаман. Қисқа вақт ичида моллар бош сонини кўпайтириб, маҳсулдорликни оширишга эришмоқдамиз.

Менга ўхшаганлар оз дейсизми? Улар халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида фаолият кўрсатиб, эл бойлигини кўпайтиришга баҳоли-қудрат ҳисса қўшмоқдалар.

Айни вақтда жамиятимиз тобора ривожланиб бормоқда. Даврнинг ўзи унинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига ўзгартиришлар киритишни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам мен 27 январь куни овоз беришга қарор қилдим.

Аминманки, бу Ўзбекистонимизнинг ёрқин келажаги, гуллаб-яшнаши учун хизмат қилади.

***Жўра МАХАМАТОВ,***
***Тошкент туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалигининг раҳбари.***

# ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРГА — ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

хассис келиб қўшилди. Ўқитувчилар ва бошқа педагогик кадрлар малакаларини ошириш йўлида муайян ишлар бажарилди. Таълим жараёнига янги педагогик технологиялар кенг жорий этиляпти. Вилоят мактабларидаги 680 компьютер синфида машғулотлар янгича асосларда олиб борилаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳақидаги қарори изчил бажарилмоқда. Янги турдаги ўқув юртларини ишга тушириш учун 3 миллиард 187 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Шу билан бирга йиғилишда ўтган даврда эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бир қаторда асосий эътибор ижтимоий соҳаларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, уларга оқилона ечимлар топишга қаратилди.

— Изланувчан, ўқитишни давлат таълим андозалари даражасида ташкил эта оладиган, маънавий баркамол ўқитувчи кадрлар тайёрлаш миллий дастури,

(Давоми. Боши 1-бетда).

таълим тўғрисидаги қонун талаблари муваффақиятли бажарилишида катта роль ўйнайди, – деди маърузачи. — Лекин кўпчилик ўқитувчиларимизнинг умумий савияси, махсус-педагогик тайёргарлик даражаси бу мезонга тўғри келмайди. Ҳолбуки, бугунги ўқитувчи маънан етук, ақлан соғлом, миллий истиқлол ғоясига садоқатли, замонавий таълим-тарбиянинг илғор усулларини мукаммал эгаллаган бўлиши керак.

Мактабларда эса ўқувчиларнинг билим даражасини кўтариш, уларни ўқув дарсликлари билан таъминлаш, таълимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш етакчи ва долзарб масала бўлиб турибди. Шуни айтиш кифояки, бугунги кунда ўқишлар 634 та умумтаълим мактабида икки сменада, 19та мактабда – уч сменада олиб борилаяпти.

Йиғилишда касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда ҳам 200дан ортиқ педагог ва муҳандис-педагог етишмаслиги таъкидланди.

Ўқувчи-ёшлар, умуман, вояга етмаган болалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар мавжудлиги алоҳида қайд қилинди. Гарчи умумий кўрсаткич вилоят бўйича камайган бўлса-да, вилоятнинг айрим шаҳар ва туманида бу тоифа жиноятларнинг кўпайиш тамойили кузатилмоқда. Шундай жиноятлар мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётганлиги айниқса ташвишланарлидир.

Йиғилишда таълим-тарбия савиясини кўтариш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида таълим-тарбия ва ҳуқуқ-тартибот органлари, «Камолот» ёшларнинг ижтимоий ҳаракати, бошқа бир қатор жамғарма ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик сустлиги кескин танқид қилинди. Кўпинча бу борада яхши-яхши режалар тузилади, лекин аксарияти қоғозда қолиб кетади. Ҳокимликларнинг ёшлар тарбиясидаги йўналтирувчи мавқеи ҳануз етарли даражада сезилмайди.

Йиғилиш қатнашчилари соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва маънавий-маърифий соҳаларда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилганлигини кўрсатиб ўтишди. Чунончи, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш юзасидан 1999-2005 йилларга мўлжалланган вилоят дастурини бажариш борасида муайян ишлар бажарилди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. 2001 йили янги қурилиш ҳисобига 2та, таъмирлаш ҳисобига 7та қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди.

Юқоричирчиқ, Қибрай, Зангиота туманларида янги шифохоналар барпо этилди. Янги туғруқ ва тез тиббий ёрдам мажмуалари ишга туширилди. Пулли тиббий хизмат кўлами сезиларли кенгайди.

Лекин шу билан бирга соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига ҳам жиддий эътирозлар билдирилди. Сўнгги йилда оналар ўлими кўпайганлиги изтироб билан тилга олинди.

Маданият, маънавий-маърифий ишларга эътибор оштганлигига қарамасдан кутубхоналарнинг аҳволи ҳануз ачинарли. Кейинги пайтларда уларни янги асарлар билан тўлдиришга эътибор сусайиб бормоқда.

Йиғилишда тегишли идоралар, шаҳар ва туманлар раҳбарларининг эътибори ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш лозимлигига қаратилди.

Йиғилиш муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

*Ўз мухбиримиз.*

---

**Якун**

## ДАРОМАД ИШГА ЯРАША БЎЛДИ

**Вилоят шаҳар ва туманларидаги минглаб мижозларга хизмат кўрсатаётган «Тошвилтранс» уюшмасига қарашли автомобиль корхоналари ўтган йили юк ташиш ҳажми бўйича топшириқни анча зиёдаси билан адо этдилар.**

Шу даврда ҳаммаси бўлиб 4 миллион 68,3 минг тонна халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларга элтиб бериш назарда тутилган эди. Амалда ташилган юк ҳажми 4 миллион 285 минг тоннани ташкил этди. Бу мўлжалланганидан 5,3 фоиз кўпдир. Энг муҳими мижозлар билан тузилган шартноманинг деярли ҳаммаси вақтида уддаланди.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа муҳим кўрсаткичлари ҳам кўнгилдагидек бўлди. Буни олинган даромадда ҳам кўриш мумкин. У 3 миллиард 426,5 миллион сўмга етди.

Транспортчилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш мавсумида икки-уч сменада ишлашди. Пахта тозалаш заводлари ва пунктларига улар етказиб берган хом ашё ҳажми 40 минг тоннадан ҳам ошди. Жами ташиб берилган буғдой эса 285 минг тоннани ташкил этди.

Ўтган йили айниқса, Янгибозордаги 121-акциядорлик автомобиль корхонаси унумли ишлади. Бекободдаги «Сарбон» акциядорлик жамияти, Олимкентдаги 46-, Бўстонликдаги 125-автомобиль корхоналари транспортчилари ҳам зиммаларидаги вазифаларни тўла ва ошириб адо этдилар.

Ўтган хўжалик йилини муваффақиятли якунлаган жамоалар янги йилнинг дастлабки кунидан мижозлар билан ўзаро шартномалар тузиб, уларнинг ижросига киришдилар.

*Усмон МУҲАМЕДОВ.*

---

**Ҳамкорлик**

## КИМЁ САНОАТИ: ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***«Максвелл Стамп» (Буюк Британия) компанияси Ўзбекистон кимё тармоғига қарашли бир қатор корхоналарда диагностик тадқиқот ўтказиш, баҳолаш, хусусийлаштириш ва улар учун чет эл инвесторларини қидириб топиш бўйича молиявий маслаҳатчи сифатида иш бошлади.***

Шу муносабат билан Тошкентда молиявий маслаҳатчи компанияга Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказилган ҳужжат топширилди. Ушбу ҳужжатга асосан «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси ва «Максвелл Стамп» фирмаси ўртасида кимё соҳасидаги мамлакатимиз корхоналарини хусусийлаштиришда ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорлик бўйича битим имзоланди. Улар орасида «Аммофос» (Олмалиқ) ва «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси (Чирчиқ) корхоналари ҳам бор.

«Аммофос» ва «Электрокимёсаноат» акцияларининг 49 фоизини чет эл инвесторларига сотиш мўлжалланмоқда.

«Ўзкимёсаноат»га қарашли ушбу корхоналар учун молиявий маслаҳатчи танлаш бўйича тендер Жаҳон банкининг «Девелопмент бизнес» журналида эълон қилинганди.

Тендер натижаларига кўра, давлат тендер комиссияси ва Жаҳон банки Ўзбекистондаги кимё соҳасининг юқоридагилардан ташқари яна учта корхонасини хусусийлаштириш лойиҳаси бўйича «Максвелл Стамп»ни молиявий маслаҳатчи сифатида тасдиқлади.

*«Туркистон-пресс».*

---

**Фуқаро муҳофазаси**

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИЛДИ

**Қибрай туманида фавқулодда вазиятлар чоғида фуқаро муҳофазасини таъминлаш бўйича амалий машғулотлар бўлиб ўтди.**

Жойларда уюштирилган бу тадбирлар иштирокчилари хавфли ҳодисалар содир бўлганда уларни бартараф этиш, жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш машқларини бажаришди. Чунончи, туман марказий шифохонасининг ходимлари бундай машқларни дала шароитида олиб бордилар. 11-сонли умумтаълим мактаби ўқувчиларига эса, уларнинг фавқулодда вазиятлар содир бўлганда қандай ҳаракат қилишлари ўргатилди.

Бу тадбир давомида кенг ҳажмда ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилди. Жумладан, беш километр узунликдаги йўлга шағал тўкилди, асфальт йўллари таъмирланди. Бундан ташқари, уч километр газ қувурлари, электр таъминоти тармоқлари қайта тикланди. Уч кун давом этган машғулотлар мобайнида туман меҳнаткашлари ўзларининг билимлари ва амалий кўникмаларини оширдилар.

*СУРАТДА: Тошкент вилояти фавқулодда вазиятларни бартараф этиш гуруҳлари раҳбарлари таркибини тайёрлаш марказининг бошлиғи Ҳусниддин Аглаев «Савдогарбанк» бўлими ходимлари билан ушбу мавзуда суҳбат ўтказмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**




---

**Лойиҳа**

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РАВНАҚИ УЧУН

***Жаҳон банки республикадаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қувватлаш» лойиҳаси учун 36 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит беришни тасдиқлади.***

Кредит йигирма йил муддатга берилган бўлиб, шунинг беш йили банкнинг LIBOR қўйилмасига кўра имтиёзлидир. Лойиҳанинг умумий қиймати 43,46 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, у республикадаги беш вилоятда, яъни Қорақалпоғистон, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида амалга оширилади. Мазкур кредитнинг 13,2 миллион АҚШ доллари 162 минг гектар майдонда жойлашган ирригация тармоқларини тиклашга, 12,8 миллион АҚШ доллари машина-трактор саройлари, агрохизмат марказларини асбоб-ускуналар билан таъминлашга, 5,6 миллион АҚШ доллари техника воситалари харидни ва пул айланмаларини тўлдиришга сарф қилинади. Лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон томони кредит маблағларидан ташқари миллий валютада 7,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратади. Лойиҳа тўрт йил мобайнида амалга оширилади.

*«Туркистон-пресс».*

# ҚАТОРТОЛ БУЛБУЛЛАРИ

**Субҳидамда қишлоқ бўйлаб «Чўли Ироқ»нинг минг бир жилвали оҳанглари янграй бошлади. Мен деразани ҳиёл очиб қўйдим, сурнайнинг хазин, дилларни ўртовчи навосига сел бўлиб қолдим.**

Қишлоғимизда субҳидам сурнай навоси бот-бот янграйди. Унинг гоҳ мунгли, гоҳ дилгир ва ўйноқи оҳанглари Ўратепа маҳалласи томонидан эшитилиб, Умаралининг сойи, Бўзсув бўйларида таралиб, Назарбек томонларга, Дамачи адирларига ёйилиб кетади. Баъзида карнай наъраси жўр бўлиб, эрта тонгдан эшонгузарликларга янги кун туғаётганлигидан дарак бериб, юракларни жўш урдиради.

Ўн йил бўлаяптики, қишлоғимизда аҳвол шу: биз карнай-сурнайнинг кўнгилларда ғайрат ва иштиёқ уйғотувчи садолари остида янги кунни бошлаймиз. Бу ёқимли, чорловчи оҳанглар Валиевлар хонадонидан таралади. Ака-укалар қуёшни мусиқа билан қаршилашади, бу билан ҳамқишлоқларига кун бўйи баракали меҳнат, кўнгилхушлик тилашади.

— Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари эди, — эслайди Абдувоҳид Валиев. — ЮНЕСКО Шаҳрисабзда оилавий ансамбллар фестивалини ўтказди. Вилоятимиздаги танловлардан муваффақиятли ўтиб, бизнинг оилавий дастамиз ҳам шу фестивалда қатнашди.

Ака-ука, опа-сингиллар — Абдувоҳид, Абдуваҳоб, Абдузоҳид, Дилором, Дилдоралар фестивалда «Ялли-ялли», «Сегоҳ», «Отмагай тонг», «Ўзбекистон дейдилар», «Эй сарви равон» қўшиқларини ижро этиб, томошабинларни ўзларига ром қилиб қўйишди, ўшанда.

Бу — Қатортол булбулларининг катта давралардаги илк чиқиши эди. Шундан кейин Валиевларнинг оилавий ансамблини вилоят ва республикадаги катта-катта концертларга таклиф қила бошлашди. Шундай ҳар бир концерт ёш ҳаваскор қўшиқчилар ижро маҳорати сайқал топишида навбатдаги босқич бўлди. Гуруҳни шакллантиришда бош-қош бўлган Музаффарқори Мирмаҳмудов, Саидазим Қудратиллаевлар эса, янги-янги лирик қўшиқлар билан репертуарни бойитиш, уларни қўшиқчилик санъати сирлари билан ошно қилиш йўлида ғамхўрлик кўрсатишди. Ака-укалар чолғу асбобларида ранг-баранг куйлар чалишни ҳам маромига етказиб боришди.

От изини той босади, дейдилар. Йиллар ўтиб, фарзандлар ҳам ота-оналар қанотига кириб қолишди. Абдувоҳиднинг тўнғич ўғли Дилшод «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида «Она юртим» қўшиғини ижро этиб, вилоятда юқори ўринни эгаллади. У ҳозир мусиқа мактабининг ғижжак синфида сабоқ олаяпти.

Абдуваҳобнинг ўғиллари Абдурасул билан Абдураззоқ ҳам қўшиқларни чинакамига машқ қилишга киришишган. Уларга Абдувоҳиднинг қизлари — Зилола, Ҳумайра, Ҳилолалар эш бўлишяпти, бирга-бирга қўшилишиб, ашулалар ижро этишмоқда.

Дилором билан Дилдора эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бастакор Тилаш Хўжамбердиев ёрдамида мумтоз мақомларни машқ қилишди. Опа-сингилларнинг талабчан устоз раҳбарлигидаги изланишлари «Тановар» мақомларидан бештасини магнит лентасига ёзиб олиш билан якунланди.

Ҳа, Зангиота туманида Валиевларнинг оилавий дастаси довруғли. Олис-яқин қишлоқларга уларнинг ижодий сафарлари ҳамиша муваффақиятли ўтаётир. Қатортол булбулларининг хониши тобора кўп кўнгилларни забт этмоқда.

... Қатортолнинг Ўратепасига йўлингиз тушиб қолса, сой кўчага бурилишдаги соя-салқин хонадондан янграётган қўшиққа ром бўлиб, бир дам туриб қоласиз:

*Ҳеч туганмас бойликка кон*
*қадим ерларинг...*

Тин олмай тинглайсиз, завқланасиз, дил-дилдан алоҳида бир ифтихор туясиз. Бу — Валиевларнинг кенжа қўшиқчиларидан бири — Дилшод. У она юрт, Ватан, унинг шонли кечмиши ва нурли келмиши ҳақида куйламоқда.

***Жўрабек МУРОДОВ.***

# Музейдаги кўргазма

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида Умумармия бадиий ижодиёти иккинчи кўргазмаси очилди. Бу ерда намойиш этилаётган асарлар муаллифлари ҳарбий хизматчилар – офицерлар, сержантлар, оддий аскарлар, курсантлар ҳамда уларнинг оила аъзоларидир.***

Мамлакат Қуролли Кучларининг 10 йиллигига бағишланган кўргазма армиямиз сафларида иқтидорли, ижодкор одамлар кўплигини яна бир бор кўрсатди. Офицер ва аскарларнинг кундалик ҳаёти ҳарбий хизмат ҳамда ўқув машғулотлари билан ўтади. Шу боис уларнинг асарларидаги асосий мавзу айнан шу эканлиги табиий ҳол. Подполковник П. Муллажоновнинг "Биринчи синов" асари шундай расмлар сирасига киради. Ушбу асар нозик руҳият, ҳарбий турмушнинг ўзига хосликларини акс эттиргани билан ажралиб туради.

***Т. БОТИРБЕКОВ,***
***ЎзА мухбири.***



## МАРСЕЛО БЕЛЬСА МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙИ

***Аргентина терма жамоасининг бош мураббийи Марсело Бельса дунёнинг 88 мамлакати экспертлари қатнашган сўровда 201 очко тўплади ва 2001 йилнинг энг яхши мураббийи деб эътироф этилди.***

147 очко тўплаган швециялик Свен Горан Эриксон Англия терма жамоасини ўз гуруҳида Германияни қолдириб, жаҳон чемпионати финалига олиб чиққанлиги сабабли иккинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Жаҳон ва Европа чемпионлари бўлмиш Франция терма жамоасининг бош мураббийи 127 очко тўплаган ҳолда учинчи ўринда қолган.

## ЭРОНГА ЯНА БЛАЖЕВИЧ КЕРАК

Мирослав Блажевич бошчилигидаги Эрон терма жамоаси «Жаҳон чемпионати – 2002» саралаш босқичида омадсизликка юз тутган эди. Шундай бўлсада, Эрон футбол федерацияси хорватиялик мутахассисдан воз кечгани йўқ. Янги шартнома имзолаш учун 4 миллион доллар ваъда қилмоқда. Лекин унинг оиласи Теҳронда яшашдан бош тортаётгани учун, шартномага имзо чекишга иккиланиб турибди.

## ИРОДА ТЎЛАГАНОВА ИЛГАРИЛАМОҚДА



Австралиянинг Мельбурн шаҳрида ўтказилаётган мамлакат очиқ чемпионатида ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова ҳам иштирок этмоқда. Бу чемпионат «катта шлем» туркумига киритилганлиги учун дунёнинг энг кучли теннисчилари баҳс олиб бормоқдалар. Ирода Тўлаганова биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган эди. Куни кеча у россиялик теннисчини мағлуб этиб, мусобақанинг учинчи босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу босқичда унинг рақиби швейцариялик теннисчи бўлади.

## СОЛТ-ЛЕЙК-СИТИДА, УЛАРГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

*Яна бир неча кундан сўнг Солт-Лейк-Ситида қишки олимпиада ўйинларига старт берилади.*

*Олимпия ўйинларида қатнашиш учун мамлакатимиздан олти нафар спортчи қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Якка тартибда муз устида учишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи Татьяна Малинина, 1999 йилги қишки Осиё ўйинлари кумуш медали соҳиби Роман Скорняков ҳамда Наталья Понамарева ва Евгений Свиридовлар жуфтлиги, шунингдек, тоғ чанғиси усталари Эльмира Урумбоева, Комил Урумбоевлар ҳам иштирок этадилар.*



## ОЛИМПИАДА МАБЛАҒИ

Олимпиада ўйинлари ташкилий қўмитасининг маълум қилишича, Солт-Лейк-Ситидаги олимпия ўйинлари учун ҳозиргача жами 1,32 миллиард доллар харажат қилинган. Шундан 260 миллиони ҳомийлар томонидан қопланган. АҚШ давлати 1998 йилдан 2001 йилгача ушбу ўйинларни ўтказиш учун 244 миллион ажратган эди. Президент Жорж Буш 2002 йил ҳисобидан ташкилотчиларга қўшимча 116 миллион доллар инъом этди.

## ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ УКРАИНАДА

Шу кунгача Украина биринчилигида ҳамюртларимиздан фақат бир вакилимиз Максим Шацких тўп сурарди. Бу йилдан бошлаб улар сафи кенгаядиган бўлди.

«Карпати» жамоаси билан «Дўстлик»нинг иқтидорли ҳимоячиси Олег Собиров шартнома имзолаган бўлса, Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, пахтакорчи Б.Саидкамолов ва «Трактор» ҳимоячиси А.Хвостунов ҳам Харьковнинг «Металлист» клубида синовдан ўтмоқда. Лекин улар «Металлист» таркибидан жой оладими йўқми, буни вақт кўрсатади.

## ЦСКА БАҚОЕВДАН ВОЗ КЕЧГАНДИ...

ЦСКАнинг янги мураббийи В.Газзаев Улуғбекнинг хизматидан воз кечганди. Сўнгги хабарларга кўра, «Анжи» устози Л.Ткаченко Бақоевни ўз жамоасига таклиф этган. Ушбу жамоада Н. Ирисметов ҳам жой олганидан хабарингиз бўлса керак. Терма жамоамиз вакили Р. Агаларов ҳам махачқалъаликлар сафида тўп сурадиди. Шундай қилиб «Анжи» таркибидаги футболчиларимиз уч нафарга етди.

## РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ РЕЙТИНГИНИ ОҚЛАМОҚДА



Халқаро шохмот федерацияси эълон қилган энг кучли шохмотчилар сафида 15-поғонани эгаллаган ўзбекистонлик гроссмейстер шу кунларда ўз рейтингини янада яхшилаш мақсадида Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида 64-бор ўтказилаётган йирик халқаро турнирда иштирок этмоқда. У дастлабки учрашувда қора доналар билан ўйнаб, 49 дақиқада рақибига бой берган эди.Иккинчи урашувда эса оқ доналар билан ўйнаб, дуранг натижага эришди. Учинчи турда эса ғалаба қозониб, бир ярим очко тўплаган ҳолда бешинчи ўринга чиқиб олди.

## АНЕЛКАНИНГ АФСУСИ



Франциялик футболчи Николья Анелка «Арсенал» сафидан «Ливерпул»га ўтганидан афсусда эканлигини билдирди. У шуни таъкидладики, «Мен ортга назар ташлаб англадимки, «Реал» ва «ПСЖ»да ўйнаб, ўзимни унчалик кўрсата олмадим. Сабаби, бу клубларда «Арсенал»дагидек мени тушунадиган Арсен Венгер каби мураббий йўқ эди».

Анелка эндиликда қандай бўлмасин «Ливерпул»да ўзини кўрсатишга интилиши керак, акс ҳолда «Жаҳон чемпионати — 2002»да Франция термасидан жой олиши амри маҳол бўлиб қолади.

## ПЕЛЕНИНГ БАШОРАТИ

*Жаҳон футбол қироли Пеленинг фикрича «Жаҳон чемпионати – 2002» баҳсларида Бразилия ва Россия терма жамоалари рўбарў келишади. Унинг таъкидлашича Бразилия гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, финалгача бемалол бора олади. Финалда эса Португалия ёки Италия ва яна бири Испания билан беллашиши мумкин. Аммо кейинчалик бу башоратлари ўзгаришини ҳам айтиб ўтди.*

## ЭНГ ОДИЛ ҲАКАМ

*Дунёнинг 88 мамлакатидан иштирок этган экспертлар сўрови натижаларига кўра италиялик 41 ёшли Коллина 2001 йилнинг энг одил ҳакамидеб эътироф этилди. У қаторасига тўрт йилдан буён шу номга сазовор бўлиб келмоқда.*




## ҲИНДИСТОН-ПОКИСТОН:
# КЕСКИНЛИК САҚЛАНМОҚДА

**Ҳиндистон билан Покистон ўртасида бир ой аввал юзага келган зиддият ҳамон сақланиб турибди. Ўтган йилнинг 11 декабрида Ҳиндистон парламенти биносида амалга оширилган қўпорувчилик икки қўшни мамлакатни қарийб уруш ҳолатига келтириб қўйди.**

Натижада икки мамлакат ҳам чегара яқинида қўшинлар сонини кўпайтирди. Халқаро ҳамжамият бу кескинликни Жанубий Осиё барқарорлигига жиддий хавф сифатида баҳолаб, воқеалар ривожини ташвиш билан кузатиб бормоқда.

Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, чегарадаги кескинликка барҳам бериш учун икки давлат ҳам ўз қўшинларини чегарадан узоқлаштириб, аввалги қўналғасига қайтариши керак. Афсуски, бундай бўлмаяпти. Покистон томони Ҳиндистон ўз ҳарбийларини жойига қайтармагунга қадар ўз қўшинини чегарада сақлаб туришини таъкидламоқда. Ҳиндистон эса, расмий Исломобод қуруқ ваъдалардан нарига ўтмас экан, қўшин чегарада қолдирилишини маълум қилди. Ҳиндистон бу билан Покистон ҳудудидаги террорчилик ташкилотлари фаолиятига чек қўйиш ва Ҳиндистон ҳудудида террорчилик ҳаракатларини содир этганликда гумон қилинаётган, айни чоғда Покистондан паноҳ топган шахсларни топширишни назарда тутаётир. Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлиги куни кеча расмий Исломободга 20 нафар террорчининг рўйхатини топширди. Покистон раҳбариятининг идорасиз қуролли гуруҳлар фаолиятига чек қўйиш ҳақидаги қарори расмий Деҳлини ҳозирча қониқтирмаяпти.

Бир сўз билан айтганда, чегарада кескинлик сақланиб туришига икки қўшни давлатнинг бир-бирига ён бермаётгани сабаб бўлаётир. Яқинда АҚШ давлат котиби Колин Пауэл Жанубий Осиёда юзага келган сиёсий танглик юзасидан худди шу фикрни билдирди.

Колин Пауэл, ушбу муаммо юзасидан баёнот бериб, икки давлат қўшинларни чегарадан олиб кетмас экан, ҳарбий можаро чиқиш эҳтимоли сақланиб қолаверади, деди. Унинг таъкидлашича, Парвез Мушаррафнинг Покистон ҳудудида террорчилик ва айирмачиликка қарши жиддий кураш бошлаш ҳақидаги баёноти ўзаро зиддиятга чек қўйиш учун етарли асос бўлади.

Келишмовчиликнинг яна бир сабаби Кашмир муаммоси бўлиб қолмоқда. Ҳиндистон ҳарбийларининг маълум қилишича, катта талафот кўраётганига қарамай, айирмачилар Кашмирда қўпорувчилик ҳаракатларини сусайтиргани йўқ. Ҳиндистон ҳафтасига йигирмага яқин аскар йўқотмоқда.

***Саидмурод РАҲИМОВ,***
***ЎзА шарҳловчиси.***

# БИР ЙЎЛА 15 ЭГИЗАК

***Энг кўп эгизак – 10 нафар (2 ўғил ва 8 қиз) – бир қориндан 1946 йилнинг 22 апрелида Бикакей шаҳри (Бразилия)да туғилганлиги ҳақида маълумот бор. Худди шундай маълумотлар 1924 йили Испаниядан, 1936 йилнинг 12 майида эса Хитойдан ҳам олинган.***

1971 йил 13 июнь куни Мидней (Австралия)даги Қироллик касалхонасида Жералдина Бродрик 9 нафар (5 ўғил ва 4 қиз) эгизак кўрди. Ўғилларининг иккитаси ўлик туғилди. Яна бир ўғил – Ричард 6 кун яшаб вафот этди.

9тадан эгизак, шунингдек, 1972 йилнинг 29 майида Филаделфия(АҚШ)да, 1977 йилнинг 11 майида эса Бангладешда ҳам дунёга келган, аммо гўдакларнинг биронтаси ҳам яшаб кетмаган.

Римлик доктор Женнаро Монтанино 1971 йилнинг 22 июлида 35 ёшли уй бекасининг бачадонини операция қилаётиб 15 нафар (10 қиз ва 5 ўғил) эгизаклардан иборат ҳомилага дуч келди. Шуниси қизиқки, мазкур ақл бовар этмас ҳодисага сабаб сифатида аёл ҳомиладорликдан бурун мунтазам равишда қабул қилган пуштсизликка қарши дори кўрсатилган.


Париж. Триумф аркаси.



# Eng so'nggi xabarlar

Жазоирда Мағриб араблари иттифоқига (МАИ) аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги сессияси бошланди. Иштирокчилар Яқин Шарқ можароси ҳамда халқаро террорчиликка қарши кураш, шунингдек, МАИ бош котибини тасдиқлаш ва иттифоқ давлатлари раҳбарлари саммитига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади.

* * *

Белградга ташриф буюрган Италия президенти Карло Адзелио Чампи Югославия федерацияси яхлитлиги сақланиб қолиши лозимлигини баён қилди. Бу нафақат Болқон минтақасида, балки Европада тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкамланишига катта ёрдам беради, деди президент.

* * *

Жаҳон иқтисодий форумининг навбатдаги анжумани 31 январь – 4 февраль кунлари Нью-Йорк шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Тадбир ташкилотчиларининг билдиришича, анжуманда ўттизга яқин давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда. Улар ўтган йилнинг 11 сентябрида АҚШда юз берган террорчиликнинг дунё иқтисоди ва хавфсизлигига таъсири билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашади.

* * *

Оқ уй матбуот котиби Ари Флайшер Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай январь охирида АҚШга келишини маълум қилди. У 28 январь куни президент Жорж Буш билан музокара ўтказади, деди А. Флайшер.

* * *

Ҳар ким умрида бир марта бўлса ҳам қушдек эркин учишни орзу қилади. Эндиликда бунинг имкони пайдо бўлмоқда. Яқинда АҚШнинг Калифорния штатида бир кишилик учиш аппарати синовдан ўтди. У баайни вертолёт каби уча олади. «Соло,-трек» — америкаликлар янги учиш аппаратини шундай номлашди, 150 кило оғирликда бўлиб, соатига 130 километргача тезлик билан парвоз қилади. Унинг ёқилғи заҳираси парвозни икки соат давом эттириш имконини беради.

* * *

Руминиянинг Вранча уездида хизматчилар мингга яқин товуқ тухумини ўрмонга тарқатиб чиқишди. Гап шундаки, улар қутуриш касаллигига қарши дориланган. Мутахассислар шу атроф ўрмонларда 350дан ортиқ тулки яшашини ҳисоблаб чиқишган. Итлардан фарқли равишда қутурган тулкилар одамларга яқинлашишга мойил бўлиб қолади. Бу — уй ҳайвонларининг саломатлигига катта хавф туғдиради.

Турфа олам

## ФОЖЕА ТАРИХГА АЙЛАНМОҚДА




Ҳозир АҚШ шаҳарларининг одам гавжум жойларида 11 сентябрда портлатилган Жаҳон савдо маркази бинолари акс этган суратларни кўриш мумкин. Сотувчилар фотосуратларни ҳамма жойда сотишга ҳаракат қилмоқда. Ўша машъум кундаги фожеа аста-секин тарихга айланмоқда. Шу боисми, Жаҳон савдо маркази туширилган суратларга талаб ошиб боряпти.

## «ЭНРОН»НИНГ САҲОВАТИ

АҚШдаги йирик энергетика компанияси – «Энрон» инқирозга учради. Бу мамлакатда нафақат иқтисодий, балки сиёсий фалажликни келтириб чиқарди. Чунки, «Энрон» компанияси ўзининг гуллаб-яшнаган даврида АҚШдаги сайловолди кампанияларининг энг сахий ҳомийларидан бирига айланганди. 1989 йилдан ҳозирга қадар компаниянинг сайловолди харажатларига сарфлаган маблағи 5,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Хусусан, Оқ уйнинг ҳозирги раҳбари учун ҳам «Энрон» 623 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарф қилган. Шунингдек, Конгресс таркибининг қарийб ярми «Энрон»нинг саховатидан баҳраманд бўлган.

## ЙЎҚОЛГАН КОМПЬЮТЕР



Сўнгги беш йил ичида Буюк Британия вазирликларида қўлда олиб юриладиган 1300дан ортиқ компьютер йўқолган. 594 «ноутбук» мудофаа вазирлигига тегишли бўлган. Уларда махфий маълумотлар сақланган. Бу маълумотларни Либерал демократлар партиясидан сайланган депутат Пол Берстоу ошкор қилди.

## ИЛОЖСИЗ ҚОЛГАН ҚЎРИҚЧИЛАР

Яқинда муомалага чиқарилган евро нафақат банклар ё жамоатчиликни, балки ўғриларни ҳам қизиқтириб қўйди. Яқинда Берлин шаҳрида нақд евро ташиётган инкассатор автомобилини ўғрилар тунади. Тўрт нафар қуролланган ўғри икки автомобилда инкассатор машинасининг йўлини тусиб, унга ўқ узди. Иложсиз қолган қўриқчилар сейфларнинг эшигини очиб беришга мажбур бўлди. Жиноятчилар пул солинган бир неча қопни олиб кўздан йўқолди.

## ЛАТИФА ҚАҲРАМОНИ

Италия тадқиқотчиларининг таъкидлашича, Жанубий Европада халқаро террорчи Усома бин Лодин номи янги йил латифаларининг энг кўп тилга олинадиган қаҳрамонига айланган. Италия телевидениесида бин Лодин ҳақида берилган латифаларнинг энг қизиғи шундай бошланади: «Усома бин Лодин ғорга қайтар экан, автоматини елкасидан қўйиб, ўғлидан сўрайди: «мени ҳеч ким сўрамадими?».

Турфа олам

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

*Шеърият*

## ОШИҚОНА

*Узоқ термуламан сен кетган йўлга,*
*Келмассан мен сари, ўт тушар жона,*
*Вужудим, эй гўзал, айланди дилга,*
*Оқшомлар бедорман, уйқу бегона.*

*Келмасанг қайларга бош олиб кетай,*
*Ҳажрингда куйиб ёнайинми ё?*
*Ёинки мажнунлик йўлини тутай,*
*Ишқинг деб ўзимдан тонайинми ё?*

*Йўлингга термулдим, йўллар бепоён,*
*Чексиз уфқларга туташ нигоҳим.*
*Сенга интиқлигим этганча баён*
*Шамолларга сингар жавобсиз оҳим...*

## АДАШГАНЛАРГА

*Ҳамманинг қўлидан келар ёмонлик,*
*Ёмоннинг ёнидан юрамиз нари.*
*Ота-онангга ҳам бермай омонлик,*
*Совурма елларга умрингнинг барин.*

*Ахир ўз халқингга қилиб хиёнат,*
*Бойликни ниқоб этдинг ўзингга,*
*Қолганми қалбингда қилдек диёнат,*
*Қадам бос, эй ошна, қараб кўзингга.*

*Бу юртни севганлар мангу донгдордир,*
*Топтаганлар эса ҳамиша хордир.*

**Ҳусниддин АЗАМАТОВ.**

**Bolalik bog'i**

## OPPOQ QOR

Hamma yoqqa oppoq qor
O`ynab-kulib yog`adi.
Daraxtlar oq kiyimda
Hayol surib turadi.

Har tomonda oppoq qor
Yugurishib, chopamiz
Bog`chamizga borganda,
Kutib olar opamiz.

**Barno.**



# БАРОРИДАН КЕЛМАГАН ОВ

(Ҳикоя)



Лайлакқор эринибгина ёғар, Ортиғали иккимиз катта-катта одим ташлаб, бир маромда кетиб борардик. Баланд бўйли, чайир ва кўркам гавдали бу йигитнинг ота-боболари мерган ўтган, ўзи ҳам табиатнинг танти ўғли эди. Милтиқ кўтариб далагами ё тоққа чиқса, унинг ови ўнгидан келмаган кун йўқ. Ҳатто, кекса овчилар ҳам омади юришган йигит, деб мақташади. У кўпдан бери мени овга чорлар, бирга чиқсак, қуруқ қайтмайсан, деб ишонтирарди.

Ортиғали: «Енгил, қуруқ қор ёққандан кейин ов яхши бўлади», дер эди. Кеча шундай қор ёғди, мен катта овдан умид қилиб, дўстимга эргашдим. Унинг ўтмиш воқеалари, ота-бобосидан эшитган ов хотиралари ҳақидаги ҳикояларини тинглаб борарканман, қандай қилиб, тоғ этагига етиб келганимизни билмай қолибмиз.

Ортиғали тўхтади, милтиқни елкасидан олиб, камаридаги ўқлардан иккитасини жойлади. Сўнг бақувват кафтини елкамга қўйиб, менга бошдан-оёқ разм солгач, бугун бўладиган ов режаларини эринмай тушунтирди. Унинг уқтиришича, мен Қоратошнинг чап биқини бўйлаб ов қилиб, Қатортошга ўтар эканман, Ортиғалининг ўзи эса Қоратошнинг ўнг ёнбағридан бориб, Тешиктошга кўтариларкан.

– Шундагина бирор ўлжадан умид қилишимиз мумкин. Чунки мендан учган ёки қочган ов сенга, сендан қайтганлари менга тўқнаш келади, – деди овчи дўстим жўнаш учун чоғланиб.

Мен катта-кичик тошлар орасидан эҳтиёткорлик билан ўта бошладим. Сал юрмай, какликларга йўлиқдим. Улар нарироқдаги тош панасидан гуриллаб учиб чиқишди. Чўчиб тушиб, тепкини беихтиёр босиб юборибман. Эҳ, аттанг, ўқим бекор кетди-я! Какликларнинг парвозига маҳлиё бўлиб, уларнинг ортидан узоқ қараб қолдим. Улар Қоратошнинг ўнг томонига учиб ўтишган ҳам эдики, у ёқдан қўштиғ милтиқнинг кетма-кет гумбурлаган овози эшитилди. Юрагим ҳаприқиб кетди. Сўнг оёқларимни оҳиста босиб, йўлимда давом этдим. Қийнала-қийнала ниҳоят айтилган марраға яқинлашдим. Шу пайт Тешиктош томондан қўштиғнинг яна гумбурлаган овози тоғларни янгратиб юборди. Сал ўтмай, ўша ёқдан бир гала каклик мен томон учиб кела бошлади. Мен уларнинг «ғийт-ғийт» овоз чиқаришларига, қанот қоқмай парвоз қилишларига тикилганча тураверибман. Какликлар мени кўриб қолдилар-да, дарҳол чап бериб, нариги тоққа ўтиб кетдилар. Мундоқ қарасам, қўлимда милтиғим отиш учун шай турибди. «Ношудлигим қурсин, – дедим ўзимга дашном бериб, – менинг ўрнимда Ортиғалидек овчи бўлганда борми, камида уч-тўрттасини тушириб оларди...»

Бу пайтга келиб булутлар тарам-тарам тусга кирди, қуёш ҳам мўралай бошлади. Қатортош шамол тегмайдиган, ҳовончадай дим ва иссиқ жой экан. Қуёш кўриниши билан димоғимга баҳор ҳиди урилгандек бўлди. Тошлар орасидан қулай жой танладим-да, икки кафтимни бошимга ёстиқ қилиб чалқа ётганча атрофни кузата бошладим. Нақадар гўзал! Тошлар орасидан турли кўкатлар дадил бош кўтармоқдалар. Қуёш тафтидан эрий бошлаган қор суви тошлардан «чак-чак» томиб, кўкатлар остига сингиб кетмоқда. Аллақаердан учиб келиб, бехосдан ёнимга қўниб олай деган тоғ чумчуғи қаттиқ чириллади-да, нарироқдаги тошга тушиб, панароқ жойга беркинди. Кейин бошини секин чиқариб, менга қаради, чўзиб-чўзиб сайради...

Тешиктош томондан ҳар замон-ҳар замонда ўқ отилади: «Гум-ум, гум-ум!». Тоғлар ларзага келиб, акс садо беради. Гумбурлаш овозларини эшитганимда юрагим яна орзиқиб тушади, мендан тузук овчи чиқмас экан, деган фикр юрагимга соя солиб ўтади. «Э, ов бўлмаса, табиатдан роҳатлансанг-чи, нодон!». Шу фикр кўнглимга келиб, юзимни қуёшга тутганча кўзларимни юмиб, ҳузур қилаётган эдим, қандайдир қушларнинг майингина қанот қоқишлари қулоғимга чалинди. Секин кўзимни очдим. Бироқ ҳеч нарса кўринмасди. Шундан сўнг, ўрнимдан қўзғалиб, тошлар орасидан мўраладим. Ана менга ов! Эллик-олтмиш метр чамаси наридаги катта керага устида бир гала ёввойи каптарлар ўтирарди. Юрагим қаттиқроқ тепа бошлади. Мен изламасам ҳам ўзлари келиб қолганини қаранг! Ишқилиб, энди булардан қуруқ қолмай...

Ҳаяжонимни боса олмай, қўлларим титраганча милтиқни ердан кўтардим. Қўндоқни ўнг елкамга қўйиб, чап кўзимни юмдим-да, галанинг қоқ ўртасини мўлжалладим. Ўзларига қаратилган ажалдан тамоман бехабар бу қушлар ороланиб тара-нишар, бир-бирларини ялаб-юлқашарди.Юрагим «жиз» этгандек бўлди. Сал турсам, ўқ узолмай қоладиганга ўхшайман. Кўзимни чирт юмдиму тепкини босиб юбордим! Гумбурлаш билан бирга, кучли зарб мени орқага силтаб ташлади. Каптарлар гуриллаб ҳавога кўтарилди. «Наҳотки ўқим яна бекор кетди?!» Шу пайт тошдан-тошга урилиб, пастга қулаб тушаётган каптарни кўриб қолдим! Қувончдан энтикканимча, сакраб туриб, ўлжам томон югурдим. Жон талвасасида типирчилаётган каптар ёнига етиб келиб, қўлимни чўздим-у, бўшашиб туриб қолдим. Менинг айбим билан бир беозор қуш жон бераётган эди. Бунинг устига шу зумда юз берган антиқа синоат мени баттарроқ лол қолдириб, қалбимни зирқиратиб юборди. Не кўз билан кўрайки, узоқлашиб бораётган каптарлар орасидан биттаси ажралди-да, тўппа-тўғри мен томон шиддат билан учиб кела бошлади. У бор-йўғи ўн метрлар чамаси нарига, бояги каптарлар ўтирган жойга келиб қўнди. Боёқиш бетоқатланар, чиройли бўйнини чўзиб тўрт томонга аланглар, ҳар қандай хавф-хатарни унутиб, йўқотиб қўйган жуфтини ахтарарди...

Кўнглимдаги хурсандлик ўрнини қандайдир азоб ҳисси қоплади. Бироқ, начора, энди афсусдан фойда йўқ. Назаримда ўзим ҳам тош устида мунғайиб ўтирган каптар аҳволига тушиб қолгандим.

Шу пайт тошдан-тошга сакраб Ортиғали етиб келди. У ёнига ўнтача каклик осиб олганди.

– Э, ҳа... овлар чакки эмас-ку, дўстим, – ҳазиллашди у ўлиб ётган каптарга имо қилиб. – Энди қайтамизми?

Мен маъюс бош ирғадим. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмас эди.

Катта йўлга тушиб олганимиздан кейингина қўлимда ҳеч нарса йўқлигини Ортиғали пайқаб қолди.

– Ие, ўлжанг қани? – деди у ажабланиб.

– Мендан овчи чиқмас экан, тушириб қўйибман...

– Зарари йўқ, – деди Ортиғали, – хафа бўлма, бу сафар дуруст ов қилолмаган бўлсанг, мана кўрасан, кейинги гал ишинг албатта юришиб кетади... Манави какликларнинг ярми сеники, энди қовоғингни оч, келишдикми?

«Майли», дегандай бўлдим. Негадир бу ҳақда суҳбатлашгим келмасди. Ортиғали бугунги чиройли ови тафсилотларини сўзлар, мен бўлсам, ўқтин-ўқтин қанот қоқиб, олис уфқлар сари учиб кетаётган ёлғиз каптарни ўйлардим.

**Асад АСИЛ.**

**Биласизми?**

## ҚОВОҚНИНГ 101 ХОСИЯТИ



Қовоқнинг асл ватани Мексика бўлиб, 3000 йил аввал маданийлаштирилиб, кейинчалик бошқа минтақаларга турли йўллар билан тарқалган. Унинг 101 хосияти мавжуд. Абу Али ибн Сино қовоқ пўстлоғи қайнатмаси билан турли тери касалликларини даволагани, уни куйганда, совуқ урганда қўллагани маълум.

Қовоқнинг этли қисми қанд, крахмал, оқсил, С, $B_1$, $B_2$ витаминларига, никотин кислотаси, каротиноидлар, элатерицин А, фитостерол, минерал тузлар, фосфор, темир бирикмаларига ниҳоятда бой.

Қадимдан қовоқ халқ табобатида сариқ касали билан оғриганларга, силласи қуриган беморларга берилган, қайнатмаси кўкрак оғриганда, йўталда ичирилган. Шунингдек, гўшти сувда пиширилиб, буйрак, қовуқ, истисқо касалликларида ундан сийдик ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилган.

Шарбати касалланган терига суртилган, пўсти бавосил, меъдадан қон оқиш, нафас йўллари касалликларини даволаш учун тавсия этилган.

Қовоқ ширасидан мия, томоқ касалликларини ҳамда кўрда кўмилгани қаттиқ йўтални даволашда қўлланилган. Гўштли қисмини куйдириб, ўсимлик ёғи билан аралаштириб битмаган яраларга қўйилса, совуқ урган жойга боғланса, яхши самара берган.

Уруғлари гижжа ҳайдовчи омил сифатида қадимданоқ қўлланиб келинган. Бунинг учун катта ёшдагиларга 300 грамм, 10-12 ёшдагиларга 150 грамм, 3-4 ёшлилар учун 75 грамм, 2-3 ёшлилар учун эса 30-50 грамм берилса кифоя.

Маълумки, сунъий тайёрланган дориларга қараганда табиийси жуда арзон ва безарардир. Шунинг учун ҳам момо ва боболаримиз рўзғорларидан қовоқ асло аримаган.

***Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.***

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис*
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир*
Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:*
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

*Манзилимиз:*
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-70. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

*"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.*
Нашр кўрсаткичи — 205. Адади 11668 нусха. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6